


ТАСДИҚЛАЙМАН
Инновацион ва рақамли иқтисодиётни
ривожлантириш бошқармасининг бошлиғи

У. Холбадалов
“15” февраль 2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
Инновацион ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқармасининг
2021 йилнинг I ярим йиллик
ИШ РЕЖАСИ

№	Топшириқ банди ва мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил I ярим йиллик иш режасида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш доирасидаги чоралар				
1.	<p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар.</p> <p>Замонавий технологияларни қўллаган ҳолда самарадорликни ошириш орқали иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Бунда: сунъий интеллектни ривожлантириш, уни алоҳида тармоқларда жорий этишни жадаллаштириш;</p> <p>йирик ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатиш компаниялари фаолиятида сунъий интеллектни жорий этиш;</p> <p>инновацион ечимларни, шу жумладан, сунъий интеллектни қайси соҳа ва тармоқларга қўллаш имкониятларини ўрганиш;</p> <p>Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида ҳамма учун очик ва инновацион ҳамда сунъий интеллектни ишлатиш бўйича илмий ишларни</p>	февраль	У.Холбадалов, тегишли департамент ва бошқармалар раҳбарлари

№	Топшириқ банди ва мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
		амалга оширишга барча шароитлари бор лабораторияларни ташкил қилиш.		
2.	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ёшлар академияси.</p> <p>Иқтисодиётнинг реал секторларига инновацияларни жорий этиш юзасидан амалга оширилган ишлари натижадорлиги паст.</p> <p>Инновацион ривожланиш вазири ўринбосари А.Назаров ривожлантириш ва “Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш бўйича амалий натижаларни таъминлаш бўйича Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари И.Норқулов билан биргаликда тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ахборот бериш.</p>	Иқтисодиётнинг реал секторларига инновацияларни жорий этиш ҳамда “Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш бўйича таклифларни умумлаштириш учун Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этиш.	февраль	У.Холбадалов, О.Шарипов, тегишли департамент ва бошқармалар раҳбарлари
3.	<p>Ахборот технология вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги.</p> <p>IT ва телекоммуникация тармоғи корхоналарида трансформация жараёнларининг натижадорлигини ошириш чора-тадбирлар ижросини таҳлил қилиш.</p>	Чора-тадбирлар бўйича масъул вазирлик ва идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳ тузиш ҳамда жорий ҳолатни ўрганиш асосида таҳлилий ҳужжатни тайёрлаш.	март	У.Холбадалов, тегишли департамент ва бошқармалар раҳбарлари

№	Топшириқ банди ва мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
4.	<p>Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Бизнес-омбудсан, манфаатдор вазирлик ва идоралар.</p> <p>Республикада яширин иқтисодиётни қисқартириш.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p> <p>Бунда тадбиркорлик субъектларини текшириш бўйича мораторий муддатини бир йилга узайтириш ва замонавий технологиялар асосида ишлаётган виждонли, ҳалол-пок тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида “яширин иқтисодиётни” қисқартиришга қаратилган механизмларни жорий этиш.</p>	март	З.Ахмедов, У.Холбадалов, тегишли департамент ва бошқармалар раҳбарлари
5.	<p>Ахборот технологиялари вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар.</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонунинг янги таҳриридаги лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	<p>Қонун лойиҳасида қўйидагиларни ҳисобга олиш:</p> <p>Электрон тижоратда ишлатиладиган терминларга аниқ тушунчалар бериш;</p> <p>Электрон тижоратда бизнес (B2B), якуний истеъмолчи (B2C) учун ҳам маҳсулотларни экспорт ва импорт қилиш.</p>	июнь	У.Холбадалов, тегишли департамент ва бошқармалар раҳбарлари
6.	<p>Ахборот технологиялари вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, тегишли вазирлик ва идоралар.</p> <p>Ёшлар, айниқса, иш ва ўқиш билан банд бўлмаган ёшлар билан масъуллар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишга хизмат қилувчи “Ёшлар мурожаати” электрон платформасини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар.</p> <p>Бунда ёшлар, айниқса, уларнинг уюшмаган қатлами билан масъуллар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишга хизмат қилувчи “Ёшлар мурожаати” электрон платформасини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш назарда тутилади.</p>	июнь	У.Холбадалов, тегишли департамент ва бошқармалар раҳбарлари
7.	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар.</p>	<p>Электрон давлат хизматларни жорий этиш ҳамда мавжуд электрон давлат хизматларини такомиллаштириш.</p>	июнь	И.Турсунов, У.Холбадалов, тегишли департамент ва

№	Топшириқ банди ва мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
	Келгуси йил охирига қадар электрон давлат хизматларини 60 тага кўпайтириб, уларни 300 тага, масофавий хизматлар улушини эса камида 60 фоизга етказиш зарур.			бошқармалар раҳбарлари
8.	<p>Ахборот технологиялари вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар; Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари.</p> <p>Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT-парк) нинг ҳудудини кенгайтириш ва янги инфратузилма объектларини қуриш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар.</p> <p>Бунда:</p> <p>IT-паркнинг Бухоро, Наманган, Навоий, Нукус, Урганч, Термиз ва Тошкент шаҳарларида ҳудудий филиаллари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича қуйидагиларни назарда тутовчи қўшма қарорлар қабул қилиш:</p> <p>IT-паркнинг ҳудудий филиалларини қуриш ҳамда зарур инфратузилмаларни ташкил этишни маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ва давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш;</p> <p>ташкил этилган объектларни белгиланган тартибда IT-паркка оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бериш назарда тутилади.</p>	июнь	У.Холбадалов, тегишли департамент ва бошқармалар раҳбарлари
Норматив-ҳуқуқий асосни такомиллаштириш				
1	Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш.	<p>Халқаро тажрибани ўрганиш ва таҳлилий маълумотлар тайёрлаш;</p> <p>Қонун лойиҳаси бўйича таклифлар тайёрлаш;</p> <p>Қонун лойиҳаси матнини тайёрлаш ва келишиб беришни ташкил этиш.</p>	<p>февраль</p> <p>март</p> <p>июнь</p>	У.Холбадалов

№	Топшириқ банди ва мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
2	Электрон тижорат орқали товарлар (хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ операцияларни статистик ҳисобга олиш методологиясини амалиётга жорий қилиш.	<p>Давлат статистика кузатувлари шаклларига электрон тижоратни ҳисобга олишни кўзда тутовчи ўзгартиришларни киритиш;</p> <p>Халқаро тавсиялар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олиб, электрон тижорат учун алоҳида иқтисодий таснифлагич жорий этишни ҳисобга олган ҳолда электрон тижорат бўйича маълумотларни шакллантириш бўйича таклиф тайёрлаш.</p>	<p>февраль</p> <p>июнь</p>	У.Холбадалов
4	Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парклари (IT-park, Технопарк) тармоқларини ривожлантириш, улар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш асосида уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш.	<p>Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркларини ташкил этиш бўйича ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш ва улар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш;</p> <p>Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркларини ташкил этиш ва фаолиятини олиб бориш бўйича миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш;</p> <p>Олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларининг дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркларини ташкил этиш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва уларга тенг шароит яратишни таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш</p>	<p>март</p> <p>апрель</p> <p>июнь</p>	У.Холбадалов

№	Топшириқ банди ва мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
		бўйича таклиф ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.		
5	Рақамли тадбиркорликни ривожлантириш ва рақамли бозорларда эркин рақобатни таъминлаш.	<p>Қуйидаги йўналишлар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш:</p> <p>рақамли технологиялар асосида ривожланаётган янги рақамли бизнес моделлар ва жараёнларнинг норматив-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш;</p> <p>рақамли бозорларни ривожлантириш (Sharing Economy, Gig Economy ва бошқа), уларда соғлом рақобат ва қулай тадбиркорлик муҳитини таъминлаш;</p> <p>рақамли тадбиркорликни ривожлантириш экотизимини такомиллаштириш, уларнинг фаоллигини рағбатлантириш ва қонуний фаолиятни таъминлаш тизимини ривожлантириш;</p> <p>рақамли иқтисодиёт соҳасида тадбиркорларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;</p> <p>рақамли иқтисодиёт ривожланиш тенденциясини холис баҳолашга имкон берувчи асосий индикаторлар ва статистик кўрсаткичларни шакллантириш, методологиясини такомиллаштириш (M&E).</p>	<p>март</p> <p>апрель</p> <p>май</p> <p>май</p> <p>июнь</p>	У.Холбадалов

№	Топшириқ банди ва мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
Тизимли мониторинг ва ахборот-таҳлилий фаолият – соҳалардаги мавжуд ҳолат таҳлили ва тегишли таклифлар ишлаб чиқиш				
1	Электрон тижорат соҳасида соғлом рақобатни ривожлантириш, электрон тўлов тизимларини такомиллаштириш, таъминот занжирининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	<p>Электрон тижорат соҳасидаги жорий ҳолатни таҳлил қилиш ва асосий муаммоли ҳолатларни аниқлаш;</p> <p>Электрон тижорат бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва мамлакатга татбиқ қилиш бўйича имкониятларни таҳлил қилиш;</p> <p>Мамлакатда электрон тижоратни ривожлантириш бўйича таклифларни қамраб олган ахборот-таҳлилий ҳужжатни тайёрлаб, раҳбариятга киритиш.</p>	<p>февраль</p> <p>март</p> <p>апрель</p>	У.Холбадалов
2	Иқтисодиёт тармоқларидаги иқтисодий муносабатлар ва бизнес-жараёнларнинг жорий ҳолати мониторинги ва таҳлили асосида уларни рақамлаштириш борасида таклифлар киритиб бориш.	<p>Иқтисодиёт тармоқларидаги “яширин иқтисодиёт” ва коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи иқтисодий муносабатларни аниқлаш;</p> <p>Аниқланган муаммоли иқтисодий муносабатларни рақамлаштириш имкониятини хорижий тажриба таҳлили ва эксперт муҳокамалари (хулосалари) асосида ўрганиш;</p> <p>Иқтисодиёт тармоқларидаги иқтисодий муносабатларни рақамлаштириш ва янги бизнес-жараёнларни жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</p>	<p>май</p> <p>2-ярим йил (июль)</p> <p>(август)</p>	У.Холбадалов
3	Инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва амалиётга татбиқ қилиш, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳолати ва динамикасини	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Интеллектуал мулк агентлиги ва Давлат солиқ қўмитасидан ҳар чорак якуни бўйича асосий кўрсаткичлар ва	ҳар чорак якунида	У.Холбадалов

№	Топшириқ банди ва мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
	<p>тизимли таҳлил қилиш орқали тегишли таклифлар ишлаб чиқиш.</p>	<p>тегишли маълумотларни олиш ҳамда таҳлилий материалларни тайёрлаш.</p> <p>Ҳар чорак якуни бўйича мавжуд вазият ва инновацион ривожланиш стратегияси асосида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолати бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашиш ва муҳокама қилиш.</p>		
4	<p>Рақамли иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичларининг <i>(ижтимоий соҳа ва иқтисодий тармоқларни рақамлаштириши, электрон ҳукумат, рақамли тадбиркорлик бўйича)</i> тизимли мониторинги асосида тегишли таклифларни ишлаб чиқиш.</p>	<p>АКТ вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасидан ҳар чорак якуни бўйича асосий кўрсаткичлар ва тегишли маълумотларни олиш ҳамда таҳлилий материалларни тайёрлаш.</p> <p>Ҳар чорак якуни бўйича мавжуд ҳолат ва “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси асосида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолати бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашиш ва муҳокама қилиш.</p>	<p>ҳар чорак якунида</p>	<p>У.Холбадалов</p>
Илмий тадқиқот ва амалий лойиҳаларни амалга ошириш				
1	<p>“Хизматлар соҳасида олий таълим, фан ва бизнес интеграцияси самарали натижадорлигининг кластер моделига асосланган механизмини яратиш” илмий-амалий лойиҳаси</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилиниши учун лойиҳани ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;</p> <p>Лойиҳалар танлови учун лойиҳа-таклифни ишлаб чиқиш ва иштирок этиш;</p> <p>Лойиҳани амалга ошириш ва якунлари бўйича маълумоларни эълон қилиб бориш.</p>	<p>февраль</p> <p>апрель</p> <p>доимий</p>	<p>У.Холбадалов</p>
2	<p>“Туризм салоҳияти юқори бўлган қишлоқ ва маҳаллаларининг “Туризм</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган лойиҳалар танлови</p>	<p>февраль</p>	<p>У.Холбадалов</p>

№	Топшириқ банди ва мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
	маҳалласи” электрон платформасини яратиш” инновацион амалий лойиҳаси	<p>учун лойиҳа-таклифни ишлаб чиқиш ва тақдимот қилиш;</p> <p>Лойиҳа жамоасини шакллантириш ва уни амалга ошириш;</p> <p>Лойиҳа яқунлари бўйича маълумоларни эълон қилиб бориш.</p>	<p>март</p> <p>доимий</p>	
3	Илмий-тадқиқотлар самарадорлигини ошириш ва яратувчанликни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган ТИҚҚМ фаолиятини кучайтириш ва уларнинг сонини икки баробарга ошириш.	<p>Республикадаги ТИҚҚМлар фаолияти самарадорлигининг доимий мониторингини олиб бориш учун ишчи гуруҳини тузиш;</p> <p>Ишчи гуруҳ томонидан ҳар чорак якуни бўйича мониторинг натижаларига кўра таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда Адлия вазирлигига киритиб бориш;</p> <p>Адлия вазирлиги билан биргаликда ТИҚҚМлар фаолиятини бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>март</p> <p>июнь</p> <p>2-ярим йил (декабрь)</p>	У.Холбадалов
4	ТИҚҚМ орқали фойдаланувчиларга кўрсатиладиган тўловсиз ва тўловли хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш.	<p>ТИҚҚМ орқали фойдаланувчиларга кўрсатиладиган тўловсиз ва тўловли, асосий ва кўшимча хизматларни таҳлил қилиш ҳамда кўрсатилалиган хизматлар рўйхатини тизимлаштириш;</p> <p>Юқорилагилар асосида ТИҚҚМ томонидан хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низомни такомиллаштириш.</p>	<p>май</p> <p>2-ярим йил (сентябрь)</p>	У.Холбадалов
Ижро интизомини таъминлаш				
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик хужжатлари ижросини	Бошқармага “Е-ijro”- электрон тизими орқали келган хужжатларни ўрганиб чиқиш;	доимий равишда	У.Холбадалов Ф. Рахимов

№	Топшириқ банди ва мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
	самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сонли Фармонига мувофиқ (1-в иловаси 6-банд) назоратдаги ҳужжатлар ва топшириқларни (“E-ijro”-ҳужжатларни назорат қилиш электрон тизими) ўз вақтида бажарилишини таъминлаш.	Ўрганиш натижаларига кўра, тегишлилиги бўйича таклифлар ва жавоб хатлари тайёрлаш, раҳбариятга имзолатиш ва “E-ijro” электрон тизимига юклаш.		
2.	Бошқармага киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини электрон тизим орқали (project.gov.uz) ўрганишни таъминлаш.	Бошқармага электрон тизим орқали киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ўрганиб чиқиш; Ўрганиш натижаларига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига бошқарма фаолияти билан боғлиқ тегишли таклифлар тайёрлаш ва электрон тизим орқали ижрочиларга юбориш.	доимий равишда	У.Холбадалов Ф. Рахимов
3.	Юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушаётган мурожаатларни бошқарма ваколоти доирасида белгиланган муддатларда кўриб чиқиш ва мурожаатни қаноатлантириш.	Юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушаётган мурожаатларни бошқарма ваколоти доирасида ўрганиб чиқиш; Мурожаатга (талаб этилса мурожаатчи билан учрашиш) жавоб тайёрлаш ва жавоб хатларини белгиланган муддатларда юбориш.	доимий равишда	У.Холбадалов Ф. Рахимов